

Ю 25675  
0

Қодиржон  
ПАРПИЕВ

\*\*\*  
ТУЙҒУЛАР  
\*\*\*

Ю 25676  
0



25675

10 0 | 2000A-2425

Пармел, К

Биларі

2000A-2425

500

Қодиржон ПАРПИЕВ

# ТУЙҒУЛАР

ШЕЪРЛАР.



«ХАЕТ»  
Андижон — 2000 йил.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Қодиржон Парпнев одамларни, ҳаётни, Ватанини, умрни, гўзалликни теран мушоҳада этиб, ҳайратлана оладиган инсон. У кўндан буён ҳайратларини шеърини мисралар тарзида қоғозга тушириб келади.

У бир тўртлигида соч оқини умр йўлларини ёритиб турувчи маёққа қиёслайди.

Ана шундай ўзига хос ташбеҳларга бой бўлган мазкур мўъжазгина китобча азиз ўқувчилар қалбига йўл топади деган умиддамиз.

ХГ.ПҚ-12-15—2000.

Парпнев Қ. «ТУЙГУЛАР» (Тўртликлар, туюқлар, учликлар, фардлар).

(с) «Ҳаёт» А-2000 й.

10  
A O'zb. Res. ДК  
2425

10 25675  
0

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

## ТУЙҒУЛАР ЁЛҚИНИ

Табиатан физиклар лирикларга яқин турадилар. Улар бадиятни, шеърини теран ҳис этадилар. Бу соҳада қобилиятини намойиш эта олган истеъдодлар ҳам кам эмас.

Қодиржон ака ана шундай физиклардан биридир. У физик олим, профессор. Бир неча ўн йиллар давомида ҳозирги Андижон Давлат университетида юзлаб-минглаб талабаларга устозлик қилди. Ўзининг тиниб-тинчимаслиги, ташаббускорлиги, олижаноблиги, юксак салоҳияти билан илм аҳли, жамоаси ва устозлари орасида катта обрў қозонди. Раҳбарлик вазифаларида ишлади (1971 йилдан декан муовини, кафедра мудири, 1976 йилдан ҳозиргача проректор). Мустақилликнинг дастлабки йилларида ўқув жараёнидаги янгича услуб-тест синовлари бўйича бир неча муддат Туркияда фаолият кўрсатиб, яна азиз билим даргоҳига ўз вазифасига — ўқув ишлари бўйича ректор ўринбосарлигига қайтди.

Қодиржон ака Парпиев 1960 йиллардан буён бадиий ижод билан шўғулланишини мен билар эдим. Ҳаёт тўлқинлари унга ўз

ёзганларини элга тақдим этишга ҳозирга келиб имкон бергандай. У одамларни, ҳаётни, вақтни чуқур англайдиган, қадрлайдиган ва булар ҳақида эҳтирос ила мушоҳада юрита оладиган, фалсафий хулосалар чиқара биладиган инсон. Энг муҳими, у ўз қалбида алангаланган туйғулар ўтини ўзга қалбларга ҳам туташтира билади.

У бир тўртлигида ўзига хос ташбеҳ топиб, сочининг оқини умр йўлини ёритиб тувчи маёққа қиёслайди.

Шоиримизнинг бу мўъжаз китобчаси азиз ўқувчилар қалбини ёруғликка тўлдирувчи нурга бойлиги билан ҳам қимматлидир.

Мен мазкур тўпламдаги тўртликлар туюқ, фардлар шеърийят ихлосмандларининг доимий суҳбатдошлари бўлиб қолишига умид қиламан.

**Усмонжон ШУКУРОВ,**  
шоир.



## Т Ў Р Т Л И К Л А Р

Меҳнатнинг ҳалолу ҳароми бўлмас,  
Меҳнатсиз шодликнинг давоми бўлмас,  
Қимки нопок йўлда жамғарса бойлик,  
Тинчлиги бузилар, ороми бўлмас.



Бола ёшлигида бамисли ниҳол:  
Ҳар томонга эгиш мумкин бемалол.  
Қалбига эзгулик уруғини сеп,  
Шунда унга келмас бевақт завол.



Тунларни ўтқарган беором, бедор,  
Билки, меҳри дарё у — Онаизор.  
Ким она сутини оқлай олмаса,  
Унинг бу дунёда яшаши бекор.



Ҳаётда дилозор бўлма, эй дўстим,  
Рўзада ал-ҳазар бўлма, эй дўстим.  
Безиб сендан барча одам, эй дўстим,  
Ўзинг инсонга зор бўлма, эй дўстим.



Оллоҳ айтур: илмли бўл, эй бандам.  
Қароматим билурсан мўл, эй бандам.  
Ҳаққа етиш илм бирла, унутма,  
Охиратга шу тўғри йўл, эй бандам.

—◆—

Яхшига яхши бўл, ёмонга-ёмон,  
Сендан талаб этса гар шуни замон.  
Аммо бебаҳодир эзгулик сари —  
Етаклаб, ёмонга ўргатсанг имон.

—◆—

Борлиқни оқликка бурқар оппоқ қор,  
Ҳар бир заррасида олам ҳикмат бор.  
Оллоҳнинг неъматин қадрини билгин,  
Дунёда не юртлар яшар унга зор.

—◆—

Бетин ёмғир ёгса, ранжима асло,  
Бўлса шамол, довул, гам ема асло  
Бало-қазолардан сақлайди Ўзи,  
Сен унинг йўлидан адашма асло.

—◆—

Сувда, юмшоқ ерда етилибди тош,  
Ажаб, суяк узра ўсди соч-ла қош.  
Ҳайратда қоламан: кўз косасида,  
Ғурбатда лимо-лим тўлар экан ёш.

—◆—

Ёлғон-ла ким ҳаёт гаштини суар,  
Яхшини иблисдек ким йўлдан урар,  
«Ўзгани боладим», — деб шодланмасин,  
Энг аввал у ўзин уйин куйдирар.



—◆—  
Уйла бетоб бўлмай туриб соғлиқни сен.  
Изла, кўнгил, ҳар дам вақти чоғлиқни сен.  
Соғлигинг кетса уни топмоқ учун,  
Фойдасиз, сарф айласанг бойликни сен.

—◆—  
Такаббурлик тожи бил Шайтонники,  
Эзгулик гултожиси Раҳмонники.  
Қайбирин киймоқ сенгадир ихтиёр,  
Лек эзгулик, ҳақ йўли — Имонники.

—◆—  
Беваю бечорани ҳеч этма хор,  
Кўнглин ол, ҳолин тушун имконча бор.  
Қанча зўр ҳақ йўлида хотамлигинг,  
Ҳимматинг кўз-кўзлама, йўқса, бекор.

—◆—  
Гар етимпарварликни айлаб ихтиёр,  
Раҳнамолик кўрсатиш айлаб шиор,  
Бош силаб, берсанг тузингни, охират —  
Хўб ҳисоб этмоққа Ҳақнинг ҳукми бор.

—◆—  
Қиз-ўғил феъли азалда бордир.  
Мақтамоқ хулқни ғазалда бордир.  
Бири отасидан, бири онадан,  
Барчаси зоти гўзалда бордир.

—◆—  
Билинг: Сўз бизларга Оллоҳ инъоми,  
Унда акс этади инсоннинг коми.  
Сўз билан ёдланар, имонли бўлсанг,  
Дунёдан кетишда Оллоҳнинг номи.

—◆—  
Бўлса-да йиртқичлар ичида зўри,  
Шерлар маконига ботинмас бўри.  
Дунёнинг иши кўп ҳайратланарли,  
Ваҳшийлар ҳамиша бир-бирин шўри.

—◆—  
Ўзгага ағдарма айбингни асло,  
Бўлиб қолмайсан-ку шу билан аъло.  
Қимса билмаса ҳам, Яратган билар,  
Охират кунда бўлмагин расво.

—◆—  
Манфаати устун келиб қолган дам,  
Сўзидан тонади баъзи бир одам.  
Уйланиб қоласан: шулардан ўрчиб,  
Кўпаярми, дея «буқаламун» ҳам.

—◆—  
Инсоннинг қадрини чин инсон билар,  
Керак бўлса, унга жон фидо қилар.  
Тириклик чоғида қадринг билмаган,  
Ўтгач, афсус-надоматла дод-вой қилар.

—◆—

Синов, меҳнат учун келдинг бу ёққа,  
Тоат қил, кетмасдан аввал у ёққа.  
Ўтганингдан сўнг боқий руҳинг  
Қийналмасин чопиб ҳар ёққа.

—◆—

Билмас гоҳо нима бўлишин одам,  
Унутар баъзида ўлишин одам.  
Шунданми, тўхтатмас ўзини баъзан  
Ҳаром-ҳаришларга уришин одам.

—◆—

Биз учун яккаю ягона Оллоҳ,  
Кечаю кундузи у эрур паноҳ.  
Оллоҳни тан олмоқ имон шартидир,  
Имондан адашма, алҳамдулиллоҳ!

—◆—

Аёнки, кишининг жаҳли келган он,  
Унинг қалбин шу пайт тарк этар имон.  
У жоҳил, каззобдир, ҳаттоки қотил,  
Шайтон йўлини тутар, сўзимга инон.

—◆—

Эркин, ҳур фикрлаш, бил, саодатдир  
Ҳамда тўғри сўзлаш яхши одатдир.  
Билиму бойлигин чин дилдан ҳадея —  
Этмоқлик зўр ҳиммат ҳам фазилатдир.

—◆—

Ҳою ҳашамларга берилган инсон,  
Уйлайди гўёки боқий бу имкон.  
Аммо кетар чоғи ҳирсу ҳавасда  
Қалби ўртанади беролмасдан жон.

—◆—

Ваъдани бердингми, вақтида бажар,  
Сўзингнинг салмоғин тута олсанг гар.  
Шунда қалб булоғинг тиниқ тортади,  
Ҳам вафо гуллари умрингни безар.

—◆—

Гар пул қилса ҳирс, кибр пайдо,  
У бир дардки, дарди бедаво,  
Писанд қилмай оқиллар бежиз —  
«Пул—қўл кири», — демасканлар, о...

—◆—

Муҳаббат шундай май, айлар мастона,  
Севганлар бекорга бўлмас девона.  
Сен уни чин дилдан маҳбубангга тут,  
Ичгач, сендай бўлсин ишқда мардона.

—◆—

Керилма, аввало, ўзингни тани,  
Шу азиз жамоа улғайтган сени.  
Косани тўлдирсанг такаббурлик-ла,  
Салга тўнкарурлар ўша косани.

◆

Аслида улуғдир ишонч-ла инсон,  
Ишонган кишига жон қилар қурбон.  
Гар шундай кишидан ёмонлик келса,  
Оллоҳга солару келтиргай имон.

◆

Муҳаббатли қалбнинг вафоси бордир,  
Висолга етишнинг жафоси бордир.  
Ёр жабру жафоси, зулму ситам-ла  
Кўнгилга малҳамдай «жазоси» бордир.

◆

Ёмоннинг хулқидан ёмонлик пайдо,  
Илон илон туғар — ҳақиқатни кўр.  
Элда масал борки: букри қоматни —  
Табиб тўғриёлмас, тўғрилайди гўр.

◆

«Бахт нима?» — деб, дўстим,  
                                                    кўп суриштира,  
Шодмон дамнигина бахтим деб юрма.  
Бахт йўли гам-шодлик орасидадир,  
Ҳаётда кўрасан, кўп хаёл сурма.

◆

Дўст бўлар дўстининг кўнглин овловчи,  
Яхши-ёмон кунда меҳрин товлловчи.  
Асло дўст сирини кавловчи бўлма,  
Бўлма дўст бағрини ўртаб доғловчи.



—◆—

Кундузи меҳнат қил, яшамоқ даркор,  
Лек ҳаром-ҳариш-ла бўлмагин абгор.  
Билиб-билмай қилган гуноҳларинг-чун  
Кечани тоат-ла ўткаргин бедор.

—◆—

Ўғил-қизларингни ранжитма зинҳор,  
Улар келажагинг, қилгил ифтихор.  
Улар хулқидаги яхши-ёмонлик —  
Сенинг феълинг ила бўлғуси бисёр.

—◆—

Асло болаларга бермагил азоб,  
Бўлсанг-да ҳар қанча бадфеъл, каззоб.  
Уларнинг руҳида беғуборлик бор,  
Қилмишинг-чун бир кун берасан ҳисоб.

—◆—

Гар сиҳат тиласанг, асло кўп ема,  
Демаслик шарт бўлган сўзни ҳам дема.  
Ризқу фурсатингни тақсимот этиб,  
Оллоҳ ўзи берар, уни кам дема.

—◆—

Отанинг феълию онанинг зеҳни,  
Отанинг ақлию онанинг меҳри.  
Қондану сут билан ўтар зурёдга.  
Шудир яратганнинг мингдан бир сири.

—◆—

Севиб, севилмаслик — бахтсизлик,  
Қариб қўйилмаслик — бахтсизлик.  
Тинмай меҳнат қилиб эл хизматида,  
Яхшига йўйилмаслик — бахтсизлик.

—◆—

Тўғри айла дийингни сен ҳар доим,  
Шунда ишинг ўнглари ҳар он худойим.  
«Қинғир ишини қийинга чиқар қирқ йилда»,  
Маломатга қолма охир, илойим.

—◆—

Сочингга барвақт тушган бўлса оқ,  
Сен унга қайғурма, ўтмишингга боқ.  
Ундаги ҳар бир оқ балки ўтмишда —  
Ечилмасдан қолган мураккаб жумбоқ.

—◆—

Қандай нуроний чол, соч-соқолда оқ,  
Қўзлари то ҳануз мисоли чақмоқ.  
Шундайин қарисин ҳар яхши инсон —  
Деб ният қилурман ҳар нафас, ҳар чоқ.

—◆—

Чекма ёшлигингдан, алҳазар, чекма!  
Ташла! Бу юмушдан қил ҳазар, чекма!  
Бутун вужудингни қоплагач заҳар,  
Чеккунг нодонликдан минг озор, чекма!



—◆—  
«Одамни биласан ишинг тушганда» —  
Дегани чиндан ҳам ҳақ гап экан-да.  
Яна ҳам тузукроқ баҳони қўймоқ  
Лозим бўлар экан уни кутганда.

—◆—  
Ғамингни аритган шодлик, бу —учқун,  
Қишининг қалбини этгувчи мафтун.  
Аммо шодлик узра келган дарду ғам,  
Мисоли ҳўл ўтин — тарқатар тутун.

—◆—  
Бир ёмон иш бўлса, дод солма, болам,  
Шошилиб ҳар ёққа от солма, болам.  
Яхшию ёмонга сабабчи ўзинг,  
Ёмондан юракка бод солма, болам.

—◆—  
Кунлардан кун баттар деса, ишонма,  
Ҳақ йўлни «бу—хатар» деса, ишонма.  
Ўзинг текшириб кўр, билмаган гулни  
Ҳидламай, муаттар, деса, ишонма.

—◆—  
Баъзилар дўстликка шароит танлар,  
Мол дўсту ёр дўстга шу оид дерлар.  
Жон дўстлик йўлини тутган инсонлар,  
Ёмон дид, дўстликка мутлоқ зид дерлар.

—◆—  
Элдан тил ўрганмай қовушмас сўзинг,  
Ҳаёт таълимсиз тўлмайсан ўзинг.  
Яхши-ю ёмондан ибрат олмасанг,  
Очилмас, очилмас ҳеч қачон кўзинг.

—◆—  
Нодонга мурувват айласанг ҳамки,  
Вақтики келади сени унутар.  
Зоҳидга чин дилдан яхшилик қилсанг,  
Унинг умри сенга дуо-ла ўтар.

—◆—  
Чораси топилар гар чақса илон,  
Заҳардан дорилар тайёрлар инсон.  
Аммо ёмон одам сочса заҳрини,  
Ундан жонинг омон қолиши гумон.

—◆—  
Бахтли оилада туғилган одам,  
Бахтли бўлади деб ўйламанг ҳар дам.  
Ҳақиқий бахт унга кулиб боқади.  
Ҳаётда ҳалол-пок яшаса мудом.

—◆—  
Ҳар кимга маълумдир ўзин мижози,  
Яхшидир емакнинг кўпидан ози.  
Таом меъёрини бузаркан кимки,  
Юксак бўлмас унинг умр парвози.

—◆—  
Дўстим, сочларингга оралабди оқ,  
Бу умр поёни эмасдир мутлоқ.  
Босиб ўтаётган ҳаёт йўлингни —  
Ёритиб турувчи нурафшон маёқ.

—◆—  
Тақдир синовига ҳам чекма сира,  
Ниятни тўғри қил, ёш тўкма сира.  
Келажакнинг нурли чўққисига боқ,  
Эзгулик ишини тарк этма сира.

—◆—  
Ҳасад—пинҳон ҳалок этгувчи оғу,  
Кимнинг ҳаётига тушган бўлса у,  
Куядек кемириб ўз маконини —  
Кейин ўзгани ҳам қуритар, ёҳу!

—◆—  
Меҳнат инсон учун ҳусн-чиройдир,  
Меҳнатдан ризқ сочган —Хотамитойдир.  
Аммо текин бойлик ортидан қувиб,  
Керилган, адашган ҳолига войдир.

—◆—  
Табиат қонуни азалда шундоқ:  
Енгилган бўрини қилмаслар чавоқ.  
Нега баъзи каслар, ўйламас, нега?  
Йиқилганни депсар толгунча оёқ.

—◆—

Дард тегса бирор-бир аъзога агар,  
Қўрқма, тузалади, қолмайди асар.  
Сақлан, ҳасадгўйлик дардидан сақлан,  
Сездирмай умрингни ямлаб тугатар.

—◆—

Оқ халат ичида юрганлар кўпдир,  
Мен ҳикмат сезмадим либосда аммо.  
Кўз-ла кўриб бўлмас кўнгил либосин,  
Одамни билмоқлик шундай муаммо.

—◆—

Дарду жафоларга чидаган марддир.  
Ожизга тош отган асли номарддир.  
Яхши-ю ёмонни, дўсту душманни,  
Ажрата олмаслик оғир бир дарддир.

—◆—

Ақл бовар этмас, зеро, ақлсиз —  
Мавжудот вақтни англайди тилсиз.  
Ғафлат уйқусида ётган одамни,  
Уйғотар хўрозу эшак тинимсиз.

—◆—

Шухратнинг келиши меҳнат-машаққат,  
Ҳаттоки обрўйинг бўлса ҳам қат-қат.  
Аммо кетишида сабабчи ўзинг,  
Кутиб ўлтирмайди ҳатто бир фурсат.

—◆—  
Асаб торларини авайланг, дўстлар,  
Гам-ташвиш, кулфатда у тез бузилар.  
Пардасин топинг-у беҳуда чалманг,  
Носоз бўлиб қолар, ҳатто узилар.

—◆—  
Миллиардча йиллардир Еримиз ёши,  
Ундан кексароқдир азал Қуёши.  
Қисқа умрингни сен мазмунли ўткар,  
Ҳуда-беҳудага қилма кўз ёши.

—◆—  
Умрнинг безаги: ҳаёт лаззати,  
Маҳбуб висолию аёл иффати.  
Фарзандлар шодлиги, кекса иззати,  
Дўстлик қимматию, ёр садоқати.

—◆—  
Тер тўкиб, пул топиб керилсанг, арзир,  
Шунда сахийликка берилсанг, арзир.  
Биров ҳисобига Хотам бўлгандан,  
Ҳимматли меҳнатга қўл урсанг, арзир.

—◆—  
Кўзлар бир-бирини кўришмаса ҳам,  
Икки нигоҳ бир йўналиш излайди.  
Бу ҳаётда улуғ мақсад кўзлаган —  
Чин инсонлар бир-биридан безмайди.

◆

Очиқ кўнгил билан гўзал қизларга,  
Сўз ташлаб қўяман аҳён-аҳёнда.  
Билмам бу гуноҳми, аммо гўзаллик —  
Мафтуни эканим сизга аён-да.

◆

Эгнингга кийибсан доларанг кўйлак,  
Кўрганлар, ё раббий, дер, қандай малак!  
Юздаги қирмиз ранг кўйлак шуъласи —  
Эмасдир, у ёнган қалбингдан дарак.

◆

Келишган қомати, ойдек жамоли —  
Бўлса ҳам, негадир севмасдим уни,  
Инсоний фазилат, ибо-иффати —  
Кўнглимни ром этгач, бўлдим мафтуни.

◆

Кўнгилнинг кўйига кирма, баҳодир,  
У сенинг бошингга бешак ғавғодир..  
Ўзинг билмай қалтис қўйган қадаминг,  
Оқибат, бошингга битмас балодир.

◆

Ҳамма вақт қадринг бил, хор бўлма, инсон!  
Нопоклар депсалаб ўтмасин бир-бир.  
Нодонлардан баланд тутгил ўзингни,  
Гарчи у амалдор, гарчи у бойдир.

—◆—

Ҳаётга келишинг англагунигча,  
Умрингнинг ярмиси ўтади расо.  
Ўзингдан нурли из қолдиргунигча,  
Қарилик қўлингга тутқазар асо.

—◆—

Усол қилсанг яқин кишингни  
Ўзгаларнинг олдида агар.  
Унинг кўнглини қайта олиш-чун  
Қамлик қилар бўйи тенги зар.

—◆—

Одамда одамга бор бўлсин ишонч,  
Одамга ҳамиша қучоғингни оч.  
Бу ёруғ оламда бундан зўр бойлик,  
Йўқдир яна бундан ортиқроқ қувонч.

—◆—

Мен ўзимни кўриб ўғлимда,  
Унга дейман: сир сақла дилда.  
Чувки бординг очиб ташласанг,  
Меҳр қолмас ўзга кўнгилда.

—◆—

«Дўст» сўзи тўрт ҳарф, аммо мазмуни  
Шарҳлашга етмайди ҳатто бир китоб.  
Бир паллага агар чин дўстни қўйсанг,  
Бошқа бир палласин босолмас офтоб.

—◆—  
Бойликка ҳеч қачон қўймагин ружу,  
Қачон вафо қилган инсонга инжу.  
Шукр қилиб, сабр хамирин қоргин,  
Шунда энг бадавлат айлар-сени У.

—◆—  
Қизни ўргат ёшлигидан меҳнатга,  
Хушмуомала, хуштабиат, санъатга.  
Ёмон одоб-ахлоқ билан ўсса у —  
Сени қўяр маломатга, уятга.

—◆—  
Болам, меҳнатсевар ҳамда қувноқ бўл,  
Ҳар ишда одилу юраги оқ бўл.  
Устозни ҳурмат қил, ота-онанг-ла,  
Қавму қориндош-ла аҳил-иноқ бўл.

—◆—  
Умр томирларда оққувчи қондир,  
Умр — бу яшаш учун бир имкондир.  
Умр қисқа, узун дема, шунчаки,  
Умр нафас аро кечгучи ондир.

—◆—  
Хулқини синчиклаб айласанг талқин,  
Кимлар-ла ҳайвоннинг ораси яқин.  
Аммо чин инсонлар устидан улар,  
Миш-миш тарқатарлар кулишиб тагин.

—◆—  
Тили тоза, дили тоза Алишер,  
Ҳар ўзбекка чин андоза, Алишер.  
Пок ният-ла қалам олдим қўлимга,  
Набирангман, олислардан дуо бер.



## ТУЮҚЛАР



Қўл чўздим, осилиб турганди олма,  
Эшитдим товушни: — Сўрамай олма!  
Қайрилиб қарасам, келар мен томон,  
Боғидан жилмайиб, севгилим Олма,



Либоси оппоғу нияти қора,  
Одамлар оз эмас, атрофга қора.  
Сезмай сен уларга яқинроқ юрсанг,  
Сенинг юзингга ҳам тегади қора.



## УЧЛИҚЛАР.



Бизга қолмиш бўлиб мерос  
мол-амалга ташналик ҳам,  
Ўзигамас, бойлигига,  
мансабига ошналик ҳам,  
Керак бўлса, — мана биз, — деб —  
этигига пошналик ҳам.



Утиб гўзал менинг қаршимдан,  
Қиё боқиб, табассум ила,  
Эсу хушни олди бошимдан.



## ФАРДЛАР

Одамлар дўстлигини одамлар тузар,  
Одамлар айни тар, одамлар бузар.

Одамнинг сирини ахтарар одам.  
Англагач, кўп зарар етказар одам.

Ҳайвондан забон-ла айрилди одам,  
Забон-ла ёнди ҳам соврилди одам.

Жаҳлнинг устида қилинган аччиқ,  
Оқибат юракка бўлғуси санчиқ.




—◆—  
Одамларда қолмаса инсоф,  
Тошганидан бисёри исроф.

—◆—  
Эзгуликка интилган чоғ,  
Жаннат сенга очгай қучоғ.

—◆—  
Ҳақ—таоло суйган жонзот инсондир,  
Меҳроқибат берган нарса имондир.

—◆—  
Сабр ила тоат қилсанг дамо-дам,  
Билки, қалбинг дардларига у малҳам.



Адабий-бадий нашр

Қодиржон ПАРШИЕВ,

Туйғулар, тўртликлар, туюқлар, учликлар, фардлар,

Муҳаррир: Усмон ШУҚУР.

Мусаввир: З. РАҲМАТУЛЛАЕВ.

Техник муҳаррир: М. МИРЗАҚАРИМОВА,

Мусаҳҳиҳлар: М. ҚАРИМОВА,

О. ШУҚУРОВА,

Босмахонага 27 04 2000 йилда берилди. Босишга  
30.05 — 2000 йилда руҳсат этилди. Бичими: 60x84 1/16.  
Ҳажми: 0,62 0,6 босма табақда. Буюртма № 641  
2000 нусха.

Баҳоси келишилга нарҳда,  
«Андижон» нашриёти босмахонасида чоп этилди,  
Манзил: Навоний шоҳқўчаси 71 уй,



150



*«Тўртлигу туюғу учлик билан фард-  
Ёзгин», - деди гўё дилга тушган дард.  
Ёзганимни Сизга тақдим этарман,  
Баҳосини Сиз берасиз, эй жўмард.*